

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ ФАКУЛТЕТИ

ЗООТЕХНИЯ КАФЕДРАСИ

Бакалавриат 5620600-Зоотехния (тармоқлар бўйича) йўналиши

Битирув малакавий иши
кафедрада муҳокама қилинди ва
ҳимояга тавсия этилди
Кафедра мудири, доцент
_____Ғ.Амантурдиев
«__»_____2015 й.

Ҳимояга рухсат берилди
Зоотехния факултети
декани, доцент
_____У.Ш.Балласов
«__»_____2015 й.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: “Шўрчи тумани Нафас фермер хўжалигидаги турли жинс ва конституция типдаги хисори қўйларини гўшт маҳсулдорлиги таҳлили”

Битирувчи:

4-93 гуруҳ талабаси

Илмий раҳбари:

Зоотехния кафедрасининг

Доценти

Такризчи: Ветеринария кафедраси

Доценти

Ж.Абдурахмонов

Ф.Джасимов

О.Куччиев

Тошкент – 2015

Мундарижа.

Кириш.....	3
II. Адабиёт шархи.....	7
III. Шахсий қисм.....	13
3.1. Шўрчи тумани Нафас фермер хўжаликни ташкил бўлиши, иқлими об- хаво шароитлари ва иқтисодий тавсифи.....	13
IV. Мехнатни муҳофаза қилиш.....	22
V. Хусусий қисм.....	26
5.1. Ишнинг мақсади, вазифалари манбаи ва унда қўлланилган услублар.....	26
VI. Таҷриба натижалари ва шарҳи.....	30
6.1. Қўзиларни сўйишдан олдин 24 соат давомида оч тутишда тирик вазнининг ўзгариши.....	30
6.2. Ҳисори қўйларин сўйим ва гўшт кўрсаткичлари.....	33
VII. Нафас фермер хўжалигида турли конституцияга мансуб ҳисори қўйлардан гўшт ишлаб чиқаришини иқтисодий самарадорлиги.....	38
VIII. Хулоса.....	40
IX. Тавсия.....	42
X. Фойдаланган адабиётлар шарҳи.....	43

Кириш.

Халқ хўжалигида чорвачилик муҳим этиборга сазовор, бу тармоғ маиший ва озиқ-овқат ишлаб ишлаб чиқарилади. Бундай қиммат бўлган маҳсулотларни етказиш республикамызда агросаноатни ривожлантиришга боғлиқ эканлигини ҳеч кимга сир эмас. Сўнги йилларда бизнинг Республикамызда катта бурилишлар бўлиб ўтмоқда ва кўп муаммоларни ечишга олиб келмоқда. Бундай ишлар қишлоқ хўжалик ва унинг энг йирик тармоқлари бўлиши чорвачилик тармоғида ҳам мавжуд. Хўжаликларни янги шакларини ташкил этиш, илғор технологиясини жорий қилиш каби ишлар шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда чорва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, аҳолига етказиш ва эҳтиёжини қондириш талабга жавоб бермайди. Шуларнинг асосий сабаблари бизнинг фикрларимизга кўра, бу борган маҳсулотларни ишлаб чиқариш планларини бузилиши ва ёғсизлиги ҳамда нарх-навонинг назоратсиз ўсиб кетишидир. Лекин бу камчиликлар вақтинчадир ва келажакда чорвачилик тармоғини ривожланишига ҳамда маҳсулот етказишида биз аминмиз.

Бу тармоғни ривожлантиришда ва тўйимли чорва маҳсулотларни етказишда ечилмаган муаммоларни амалга ошириш бизларда жуда катта ғайрат, билим ва чидамлилики ҳамда янги технологияни жорий этишни ва илғор тажрибалардан фойдаланишимизни талаб этади. Бундан ташқари янги хўжалик шакллари жорий этиш ҳам катта этиборга сазовордир.

Ўзбекистонда ва МДХ давлатларида етарли даражада чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун республикамызда имкониятлар бор, масалан бизнинг республикамызда чорвачилик энг йирик бир тармоғи бу қўйчиликдир. Ўзбекистонда 2014-йилга келиб қўйларни сони 16 миллион бошга етган ва бу қўйлардан турли қиммат баҳо маҳсулотлар олиш мумкин, жун, тери(барра), пўстин, пўстак, гўшт, сут, ёғ каби маҳсулотлардир.

Бундай потенциал мавжудотларга қарамасдан бизнинг чорва, шу жумладан қўйлардан олинаётган махсулотларга ҳам тўлиқ қондирилгани йўқ, масалан бор имконлар ҳам амалга оширилмаяпти.

Хозирги вақтда қўйчилик Ўзбекистонда жуда муҳим ўрин тутди ва бу тармоғни ривожлантиришни жонлантормоқ лозим. Ўзбекистонда урчитилаётган гўшт-ёғдор думбали қўйлар гўшт манбасидир аммо бу тармоғни ривож ҳам деярли даражада ривож топмаган. Бу борасида жуда кўп ишлар қилинмоқ лозим. Республикада гўшт етказиш учун асосан ахта қилинган ҳамда яроқсиз қари қўйлар ишлатилмоқда, қўзи гўшти етиштиришга унчалик этибор берилмаётир.

Австралия, Аргентина, Янги Зеландия каби чет эл мамлакатларида бу ишларни амалиётида деярли йўлга қўйганлар, уларни тажрибасини амалга оширсак ёмон бўлмайди ва тез орада гўшт етказишни юксак даражага эришиш мумкин.

Ўзбекистондаги чорвадорлар олдида жуда муҳим вазифалар турибди бу қўйларни зотини яхшилаши билан биргаликда уларни махсулотини ошириш ва сифатли мақбул қўй гўштига бўлган имкониятларини қидириш.

Қўйлар – сут етказишда жуда катта манбадир, аммо ҳали ҳам ишлатилаётган эмас. Янги технологияни жорий этилиши билан биргаликда ҳар хил тажриба ва хўжалик шакллари, қўйчиликдаги оғир кўп қўл меҳнатини талаб қилаётган ишларни механизациялаштириш лозим ва янада етказиладиган махсулотларни таннархини пасайтириш йўллари ҳам изламоқ лозимдир.

Қўйчилик жуда кўп ва керакли ва зарур махсулотлар етказмоқда. Шунинг учун қўйчиликни рентабеллик даражасини оширишга барча комплекс чора тадбирлар ишлаб чиқишини уларни ишлаб чиқаришга жорий этилишини талаб қилади.

Бизнинг республикамизда чорвачиликни ривожланиши етарли даражада эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Шуларни ҳисобга олган ҳолда республикамиз раҳбарияти бу тармоқни оёққа туришига ва илмий техник асосида

ривожланишига жуда катта этибор берилиб келинмоқда. Республикамиз презденти И.А.Каримовни тутган йўли бунга далолат бўла олади. Прездентимизнинг 307-буйруғига кўра барча ўзини оқламайдиган ва зарар келтираётган фермерлар, шахсий фермер хўжаликларига айлантирилиши лозим. Бу буйрукни амалга оширишга hozirги кунларда туманларга республикамизда минга яқин фермерлар келиб чиққан, 1998-йилга келиб буларнинг сони 2 минг ва ундан ҳам кўп бўлиши кутилмоқда чорвачилик соҳасига қўйчиликка бундай этибор берилиши сабаби шундан иборатки, ундан аҳолига озуқ овқат, гўшт, сут ёғ каби махсулотлари олинади.

Қўйчилик марказий осие халқлари учун базан туркий милатларга мансуб одамлар меҳмон кутишганда албатта қўй сўядилар ва меҳмонни улуғлайдилар ҳамда қадим замонлардан буён уларнинг гўштини озуқ овқат сифатида ишлатганлар. Бундай заруриятлар албатда қўйчиликни ривожлантиришга ижобий таъсир этган. Лекин унинг ривожланиши ва етарли даражада махсулот етказиши халихамон халқимизни талабини қондира олмайдиган ҳолатда.

Қўйчиликдан жун, тери, пўстак барра териси пўстин каби махсулотлар олинади бу махсулотлар жуда қимматбаҳо ва уларни кўп хилма хил буйумлар таёрланади таёр бўғамлар эса аҳоли орасида катта этиборга сазовардир. Бунинг этиборга олган ҳолда бизнинг республикамизда шу махсулотларга бўлган талабини тўла қоплаёолмаймиз. Бунинг амалга ошириш республикани ҳамма ўлкаларда ишлаётган қўйчувонларга боғлиқ ва ислохатга яни иқтисодий услублардан фойдаланиш янада ишлаб чиқишга шуларни жорий этилиши жуда салоҳиятга эгадир олинадиган махсулотларни етарли даражада ишлаб чиқариш учун бу соҳага янги технологик, фан ва илғор тажрибалар жорий этилиши лозимдир.

Ўзбекистонда қўйларни етарли даражада жун ва гўшт ишлаб чиқаришга ишхоналар ва шароит мавжуд. Ўлкамиздаги чўл ярим чўл тоғ ва тоғ олди яйловлардаги учрайдиган ўсимликларни озуқа моддаларга бўлган талабини

тўла қондира олади. Бунинг учун барча резервларни ва имкониятларимизни йўлга солишимиз лозим.

Бизнинг республикамизни қўйчилик тармоғи асосан қора қўлчилик билан ифодаланган, лекин бошқа қўй зотлари ҳам мавжуд ва уларни ўрни салмоқлидир, булар гўшт-жун боп ва гўшт-ёғдир уларни қўй зотлари ва уларнинг дурагайларидир. Бу қўй зотлари орасида Ўзбекистонинг тоғ ва тоғ таги зоналарида гўшт-ёғдор қўйларни вакили бўлмиш жайдари зоти кенг тарқалиб кетган. Бу қўй зоти шу каби зоналарни асосий даромадини беради, қимматбаҳо ва тўйимли гўшт етказди. Бу зотдан асосий махсулотидан ташқари яна жуда қимматбаҳо майин ва тўйимли жун олинади. Жун махсулоти турли буюмлар ишлаб чиқаришимизда ишлатилади бундай ахамиятга қарамасдан бу махсулотни ишлаб чиқарилиши хали ҳам етарли эмас. Хукуматимиз томонидан бу махсулотга бўлган эҳтиёжни қондириш учун барча ишлар қилинган, масалан жуннинг сотилиши нархини оширади шу омилардан биридир.

II. Адабиётлар шархи.

Хисори қўйлари ўзининг биологик хусусиятлари ва махсулдор лигига кўра гўшт-ёғдор думбали қўйларга киради ва бу йўналишдаги қўйларнинг энг йирик вакиллари думбали қўйлар ичида гўшт ва ёғ бериш хусусияти бўйича кескин фарқ қилади ва энг юксак кўрсаткичга эга.

Хисори қўйлари Ўрта Осиё халқларини томонидан яратилган буларни вужудга келиши узоқ вақт давом этади. Асосан гўштдор лиги бўйича танлаш ва саралаш ишлари натижасида яратилади. Бу хисори қўйлари Тожикистон ва Ўзбекистон шароитидаги яйловларга жуда ҳам яхши мостлашган ва тез ўсиб етилади. Янги туғилган қўзиларни тирик вазни адабиёт маълумотларига кўра 5-6кг ташкил этади 4-5 ойлигида эса 40-45кг ташкил қилади, ёки қисқа вақт ичида уларни тирик вазни туғилган вақтига нисбатан 8-9 баравар ошади.

Бу қўйларни туси асосан қизил ва сариқ лекин оқ туслик қўйлар ҳам учраб туради. Хисори қўйларини жундорлиги бошқа думбали зотларга нисбатан паст узунлиги ҳам калта, хар қўй бошига 1.0-1.7 кг жун беради. Баъзи маълумотларга кўра Бутиков (1972) хисори қўйларини серпуштлиги ҳам юқори эмас ва 100 она совлиқ бошига 94-97 бош берадилар.

Литовченко Г.Р, Есаулов П.А (1972) маълумотларига биноан хисори қўйлари қўй гўшти етказиши манбайидир. Буни хисобга олган ҳолда хисори қўйларини устида танлаш, саралаш ишларини янада жадаллаштириш керак, буларнинг семизлик даражасини ошириш учун барча ишлар қилмоқ лозим.

Шундай ишларни бири Калашников В.И ва Кондаков А.Қ (1988) фикрига кўра уларни бўрдоқига боқишдир. Автадорлар хисори қўйлари бўрдоқига боқиш натижасида уларнинг 166 грамга етказганлар. Назорат ўтказилганда эса 11-ойлик қўзиларидан 20.9 кг гўшт олинган. Олинган гўштни кимёвий таркиби эса қуйида қайд этилган кўрсаткичларни ташкил этган: 4.3, 87, 20, 3% протеин энергетик тўйимлиги эса 5212 ккал энергетик тўйимлилиги бўйича чўчқа гўшtidан ҳам баландлиги ўрганилган.

Ўзбекистонда бундай ишларни олиб борилиши барча қулайликларга эгадир. Бизнинг Республикамизда етаказилаётган шароитдан жуда кўп ва

сермахсул озуқалар олиш мумкин, шелуха шрот, кунжара шулар жумласидандир. Бундай озуқаларни қўйларни бўрдоқига боқишда фойдаланмоқ мумкин бўлиб жуда ҳам яхши натижаларга эришиш мумкин.

Амиров А.К (1959) Джасимов Ф (1982) тажрибаларида думбалик-хисори қўйларини юқорида қайд этилган озуқалар билан билан бўрдоқига боққанлар ва яхши натижаларга эришганлар.

Думбали гўшт-ёғдор йўналишдаги қўйлар эса нисбатан барча биологик хусуиятлар бўйича фарқ қиладилар. Бундай фарқ уларнинг думбалилигига ёғ тўпламидир. Ёғ қатлами бу қўйларга ёмон шароитда озуқа вазифасини ҳам бажармоқда. Думба остига ёғ тўпланиши жуда кўр омилларга боғлиқ эканлиги барча илмий ишларда қайд этилган бу омиллар асосан қўйларни зоти, ёши жинси ва озуқланишидир.

Фарсиханов С.И (1957) хисори қўйларида ўтказган тажрибасида 6-ойлик қўчқорлардан сўйиш натижасида 4,9кг ёғи оман шундан 87,7% думба ёғи ташкил этган.

Думбали гўшт ёғ йўналишидаги қўйларида думба остига ёғ тўпланиши жуда яхшидир. Бу фазилат авлоддан авлодга ўтиб келмоқда.

Бу қўйлар озуқа кўп бўлганида уни ерга ағанатилиб, думба остига тўплайдиларозуқалар камайганда ёки тўйимлилиги пасайганда эса думба ёғидан фойдаланадилар, ёғ парчаланиб баданга озиқ моддаси тариқасида тарқалади ва эхтиёж қондирилади

Думбали қўйларни гўшт-ёғдорлиги жуда кўп илмий ишларда қайд этилган ва ҳар хил шароитларда кўп олимлар томонидан ўрганилган (Кияткин П.Ф 1970, Фарсиханов С.И 1978, Амиров А.К 1990, Донацмиов 1982, Балмонт 1952 ва бошқалар). Бу олимлар нинг фикрига кўра гўшт-ёғдор қўйларидан ўртача гўшт чиқими 55-55%га тенг.

Гўшт-ёғдор йўналишидаги қўй зотларидан яна етарли даражада саноат учун зарур бўлган қиммат баҳо дағал жун оламиз. Жун махсулотлари унча кўп эмас сифати паст лекин бу жунларга талаб жуда ҳам катта бу жунлардан гилам, сукно, валенка, кийгиз, қашма каби буюмлар тўқилади.

Юдин Ю.И., Родин В.П.(1983), Бакиров А, Қаландаров С (1986) фикрларига кўра қўйлардан 1,5-2 килограмм жун олиш мумкин. Лекин шуни айтмоқ керакки бу йўналишдаги бази вакилларида 2-2,5кг жун олиш мумкин. Демак жундорлигини ошириш йўллари хали ҳам чегараланган эмас ва бу борада наслчилик ишларини кучайтириш лозим.

Баъзи олимларнинг фикрига караганда қўйларни жунига уларни конституцияси катта таъсир кўрсатар экан. Бу тажриба думбали қўйларда Рахимов А.А (1967) томонидан олиб борилган. Олимнинг фикрича ғўзамой ва мустахкам конституцияга мансуб думбали қўйлари нозик типдаги қўйдан 39,5% кўп жун беради.

Бундай маълумотларни Ризаев Ш.М ва Раджабов О (1973) ларни тажрибаларидан ҳам кўриш мумкин. Бу муаллифлар қўйларин ёши ва конституциясини уларнинг жунига таъсир этишини ўрганганлар ва 4 ёшдаги дағал-ғўзамой конституцияга мансуб қўйлар энг кўп жун берганлиги қайд этилиб ва қўйларни ёши улғайган сари жундорлик пасайиб қолишини ҳам қайд этканлар. Демак қўйларни кичиклиги жуннинг миқдори нафақат уларнинг ёшига балким конституционал хилларига ҳам боғлиқ экан.

Қўйларни семириш, ўсиши ва ривожланишига базан оимларнинг фикрига кўра (Шванов М.Ф, Кулешов, Чирвенский) нафақат уларнинг яйловдаги озуқаларига ва озиқлантиришига балким конституциясига ҳам боғлиқ экан. Дағал конституцияга мансуб қўйлар тирик вазни ва оғирлига бўйича мустахкам ва нозик типларга кўра фарқ қилади. Бизнинг фикримизча бундай ҳолат уларнинг яйловда ҳаракатига боғлиқдир дағал ва мустахкам қўйлар конституциясига мансуб қўйлар кўп ҳаракатчан ва кўп озуқа истемол қиладилар, тез ўсиб семирадилар нозик типдагилари эса тескари шунинг учун улар кам семирадилар.

Қўйларни семириш даражасига ва жун миқдори йилнинг фасли ҳам кўп деярли таъсир этмоқда. Масалан кўп йиллар мобайнида ТошДАУ чорвачилик кафедрасидаги жун лабораториясида олиб борилган тажрибалар асосидага кўра қўйларни баҳорги жун узун ва миқдори кузгига нисбатан баланд.

Бундай ҳолатни асоси бизнинг фикримизга баҳорги фаслни муддати куздагига нисбатан кўп ва узн яни кун ҳисобида.

Думбали қўйлар 1912-йил биринчи маротаба бутун Россия кўрғазмасида кўрсатганлар ва томошабинларни ҳамда барча олимларни назоратларини жалб этганлар. Думбали қўйлар тўғрисидаги маълумотлар биринчи бўлиб Чирвинский А.П. ва Елагин В.Б. томонидан 1946 йили чоп этилган.

Думбали гўшт-ёғдор йўналишидаги қўйлар Ўзбекистон, Тожикистон каби республикаларда бир йирик миллий бойликдир. Шунинг учун бу давлатларда биринчи бор думбали қўйлар устида илмий изланишлар олиб борилган.

Думбали қўйлари устида Курчанов 1938; Кияткин 1952, 1957, 1938 стакан 1945,1948. Фарсиханов 1952 томонидан олиб борилган илмий ишлар алоҳида эътиборга сазовордир.

Думбали қўйлар ичида ҳисори зоти алоҳида ўрин тутмоқда, бу қўйлар жуда йирик, бақувват ва мустаҳкам, улар йил давомида очиқ ҳавода боқиладилар ва яйловдаги ўчрайдиган ўтларга ўз эҳтиёжини тўла қондирадилар.

Васильев Н. А. , Целютин В. К. (1990) тажрибасига асосланиб айтиш мумкинки, ҳисори қўчқорларидан 1,5-2,0 кг жун олинади. Совлиқларидан эса 1,0-1,4 кг ёш қўзиларидан кузги қирқимда 0,4-0,5 кг поярка жуни олинади. Бу олимларни маълумотларига биноан ҳисори қўчқорларни ўртача тирик вазни 100-110 кг, совлиқларни 75-80 кг баъзан яхши вакиллариники қўчқорлари 170-180кг, совлиқлариники 100-110 кг ни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги урчитилаётган ҳисори қўйларини тирик вазни вазнлари, Кияткин П.Ф. (1968) ва Битуков (1972) маълумотларига биноан 70-80кг, Сурхондарё вилоятида тоғ ва тоғолди туманларида эса 80-90кг совлиқлардан олинган жун 1-1,4кг ташкил этган.

Бу йўналишдаги қўй зотларини биз халқимиз тирик гўшт фабрикаси ҳам айтадилар, лекин уларнинг гўшторлиги янада ошириш учун барча чора тадбирларни амалга оширмоқ лозим. Шундай тадбирлардан бири уларни семиртириш учун бўрдоқига боқишдир.

Фарсиханов С.И ва Хайтов А.Х (1978) ҳисори қўйларини кўк беда, арпа ва тўрт соат мобайнида яйловда боқиб семиртириш хусусиятларини ўрганганлар уларни маълумотларига биноан 70 кун бўрдоқига боқилиши натижасида қўйларни тирик вазнларини 9,6-10,2кг кўпайган ҳар бир ойнинг суткасига ўсиши 255-240 грамм ташкил этган, бир килограмм семиришига 5,1-5,6 озуқа сарфланган.

Ҳисори қўйларини бўрдоқичилик хусусиятлари Бобоев К (1975) томонидан ҳам тасдиқланган. Ҳисори қўйлари гўшт манбаидир уларни сути жуда тўйимли озуқа деб ҳисобланади. Шунинг эътиборига олган ҳолда баъзан давлатларда қўйчиликдан маълум даражада сут ишлаб чиқаришни ташкил этганлар, Туркия, Эрон, Покистон, Египет, Саудия Арабистони давлатлари шулар жумласидандир.

Стояпов, Съебнев (1966) оскания, кавказ стоврана ва шу ўлкадаги маҳаллий қўй зотлари сут бериш қобилятини аниқлаганлар. Авторларни маълумотларига кўра бу зотларни ўртача сут бериши 63,1-64,7; 71,1-83,3 ва 86 кг-ни ташкил этган.

Қўйларни сутдорлиги уларнинг ёшига ва конституциясига боғлиқ эканлиги Гузун А.А. (1966) томонидан тасдиқланган ва ҳар ёшдаги қўйларни сутдорлиги бошқа ёшдаги ва конституциядаги қўйларга нисбатан баландроқ эканлигини аниқлаш.

Қўйларни сут миқдори уларнинг тусига ва қўзи бериш сонига ҳам боғлиқ. Рахимов (1964) томонидан оқ тусли думбали қўйларини сутдорлиги бошқа тусдаги қўйларга нисбатан баланд эканлиги аниқланган.

Смирнов (1958) битта қўзи берган совлукларни сути 100 кунлик соғиш даврида 97,2кг эгиз қўзиларники эса 115,2кг ўрта ва ундан ҳам кўп қўзилаш совлиқларини сутдорлиги эса 136,2кг ташкил этган.

Барча адабиёт маълумотларига биноан думбали қўйлардан турли махсулотлар олинишини ва уларга турли омиллар таъсир этиши аниқ. Лекин думбали қўйларни асосий махсулоти бу гўшт ва ёғ. Бу махсулотлар Марказий Осиёда жуда кўп истемол қилинмоқда чунки бу ўлка халқларини талаби шундай гўштга жуда юқори. Шуларни эътиборга олиш лозим ва барча ишларни шу борада жонлантирмоқ керак. Думбали қўйларини гўшти ва унинг тўйимлилиги П.Ф.Кяткин (1970), Ф.Джасимов (1982-1985) Миркин, Монерберка (1949), Шмалянов (1970) томонидан ўрганилган ва юқори баҳоланган. Адабиёт талқинини якунлаб шундай фикрга келдикки ҳисори қўйларини гўшторлиги уларнинг конституциясига ҳам боғлиқ экан. Лекин бу тўғрисида маълумот жуда кам, шунинг учун ўз ишимизни бу мақсадга қаратишга ҳаракат қилдик ва илмий изланишни олиб бордик.

III. Шахсий қисм.

3.1. Шўрчи тумани Нафас фермер хўжаликни ташкил бўлиши, иқлими, об-ҳаво шароитлари ва иқтисодий тавсифи .

Шўрчи туманидаги Нафас фермер хўжалиги кам ривожланган камилон ва масет бирлашиш натижасида ташкил топган. Бу хўжалик Сурхондарё вилоятини Шўрчи туманида жойлашган. Хўжалигимиз марказидан туман марказигача 8 километр, вилоят марказигача Термиз шаҳрига эса бу масофа 35 кмга тенг. Хўжалик ерларидан туманлар аро миқёсидаги автомобил йўли ўтади. Хозирги кунда Камион ширкат хўжалигида мавжуд. Хўжаликнинг асосий йўналиши пахтачилик ва чорва тармоғидир. Жанубда бу чегара Ш.Рашидов хўжалиги орқали ўтади, ғарбда хўжалик Қумқўрғон туманини 30 йилки давлат хўжалиги билан чегарадош, шарқда бизнинг хўжалигимиз Ангор ва Шўрчи тумани хўжаликлари билан чегарадошдир.

Хўжалигимиз қишлоқлари ва уларнинг бир-бирига боғланиши асфалт йўллари орқали ўтади ва бунда автотранспортдан кенг фойдаланилади. Қишлоқлар аҳолисини бир-бирига ва марказга бориб келишида автотранспортлардан фойдаланилади. Хўжалиги мизни марказида телефон мавжуд. Бизнинг хўжалигимизда пахта ва ғаллачиликдан ташқари бошқа тармоқлар ҳам тараққий этган, бу сабзавотчилик, боғдорчилик ва озиқ екинларини етказиш ва чорвачилик шулар жумласидандир.

Бугинги кунда бизнинг хўжалигимиздаги истиқомад қиладиган ва яшайдиган аҳли сони 1600 кишини ташкил этмоқда. Бу аҳолини республикаимиздаги яшайдиган барча миллатларнинг вакиллари дир. Лекин асосан булар ўзбек миллатига мансубдир. Бизнинг хўжалигимиз ишчи кучига бўлган эҳтёжни қондирилган, хўжаликда механизация воситалари ҳам етарли.

Давлат тилида ўқитиладиган 1 та мактаб тўққиз йиллик ишлаб турибди. Хўжалигимиз марказида аҳолига хизмат кўрсатиш учун битта амбулатория ишлаб турубди, бундан бошқа библиотека (кутубхона) ва 10 ўринлик

касалхона ҳам мавжуддир. Бу касалхонада хўжалигимизни аҳолиси даволанмоқда. Бизни хўжалигимизда касалланган кишиларни даволаш имконияти бўлмаган беморлар туман ёки вилоят касалхонасига юборилади, у ерда диагнозини аниқлаб даволайдилар.

Хозирги кунда бизнинг хўжалигимизда 280 гектар ер бор, шундан 30 гектари аҳоли томорқаси, қолган ерларда хўжалик яйлов ва ҳар хил ўсимликлар экиш фойдаланилади. Бизнинг хўжалигимиз ерлари тоғ олди ҳудудидаги ерлар ташкил қилади.

Шўрчи фермер хўжалиги қарамоғидаги ерлари механизацияда ишлов бериб суғоришга яроқсиз шу туфайли уларнинг ҳосилдорлиги асосан, табиий об-ҳавони намдорлигига миқдорига боғлиқ. Хўжалигимиз яйловларида турли ўт-ўланлар ўсиши эрта баҳордан бошлаб, майнинг охирига келиб кўриб кетади. Бу ўсимликлар паст зоналарда ва тоғ этакларида ўсади.

Бизнинг хўжалигимизда иқлими республикаимизни барча жойларидаги иқлимга ўхшаши – кескин континенталь ҳавода булут кам учрайди, ойдин кунлар сони жуда кўп.

Сурхондарё вилояти каби бизнинг хўжалигимиз шароитида баҳор мартнинг биринчи декадасидан бошланиб, майни ўрталарига охирига келиб тугайди. Баҳор жуда қисқа муддат ичида ўтади. Об-ҳаво хўжалигимизни шароитида асосан иссиқ ва қуруқ, ёз эса жуда текис ҳолда ўтади.

Бизнинг хўжалигимизда иқлимнинг бир йиллик ўртача ҳарорати 30-36 градусни ташкил этади, максимал иссиқлик 40-45 градусгача бўлади, бу ҳолат июл-август ойларида кузатилади. Йилнинг энг совуқ кунлари январ ойларида кузатилади, об-ҳавонинг совуқлиги 20-25 градусни ташкил этади.

Бизнинг хўжалигимизда йилнинг 230-250 кун ёз, қолган кунлар эса (100-120) кун қиш бўлади. Намдорлик ёмғир ёки қор ҳолатида ёғади ва ўртача бир йиллик намдорлик 250-270 мм ташкил этади.

Хўжалигимизни ерлари бўз ва қумлоқ тупроқлардан иборат бўлиб ерости сувлари текис жойларида 5-6 метр ва нотекис қир ерларда 20-30 метр чуқурлигида жойлашган. Хўжалигимиз яйловларини тоғ ва тоғ олди

яйловлари ташкил этади. Қишлоқ ёнидаги яйловлардан асосан қишда ва кўйларни кўзилатиш даврида фойдаланилади, тоғ ва тоғ этагидаги яйловлардан эса қолган вақтларда фойдаланилади.

Қадимги замонлардан бери ерларни хосилдорлигини оширишга ва улардан умумий фойдаланишга жуда катта эътибор берилмоқда. Бундай аҳамият берилишини асосий сабаби ерлардан турли маҳсулот ишлаб чиқарилади ва инсон эҳтиёжини қондиришда фойдаланади. Демак уларнинг хосилдорлигини ошириб маҳсулот ишлаб чиқаришини ошириш жуда муҳим. Хўжалигимиз ерлари турли ва улардан фойдаланишимизни 1-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвал-1

Нафас фермер хўжалиги ер майдони.

Ерлар	Ўлчов бирлиги	2013	2014
Жами ерлар майдони	га	386,7	386,7
Шу жумладан:			
Қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдони	га	129	129
Хайдалган ер	га	95	95
Боғ	га	2,0	2,0
Яйловлар	га	90	90
Ўрмон	га	3,70	3,70
Уй-жой ва томорқа ерлари	га	30	30
Яроқсиз ерлар.	га	37	37

Жадвалдаги келтирилган маълумотларга биноан айтиш лозимки сўнгги йиллада хўжалик ерларида деярли ўзгаришлар йўқ ва 386,7 гектарни ташкил этган. Биз хўжалик ерлардан фойдаланишни ҳам аниқладик, бу тўғрисидаги маълумотларни 2-жадвалда келтирганмиз.

Нафас фермер хўжалигидаги ерлардан фойдаланиш.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар	
		2013	2014
Хайдалган ер майдони	га	95	95
Шу жумладан: Ғалла майдони	га	60,0	60,0
Полиз ва сабзовот	га	8,0	8,0
Кўп йиллик ўтлар майдони	га	11,0	11,0
Шундан пичан майдони	га	6	6
Макка силос учун	га	10	10
Қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз ер майдонлари.	га	37	37

Хайдалган ер майдони энг кўп миқдорини ғалла эгаллаган, қолган қисмини эса бошқа соҳаларда фойдаланилган ерлар ташкил этган. Қишлоқ хўжалигида маҳсулотни асосини унинг товар ҳолати ва олинган даромад билан ифодаланади. Нафас фермер хўжалигидаги етказилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товар даражасини ўрганиб чиқдик ва олган маълумотларни 3-жадвалда келтирилган.

2014-йили маҳсулотни товар даражасини 2013-йилга нисбатан 617 минг сўмга юқори бўлган, шунингдек ўсимликдан 300, чорвачиликда эса 317 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткичларга асосан шундай хулоса қилиш мумкин хўжалигимизда қўйчилик чорвачиликни асосий тармоқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Хўжалигимиздаги чорвани ўрганиб чиққанмиз ва олган маълумотларни 4-жадвалда келтирганмиз.

2014-йилдаги чорва туёғи 2013-йилга нисбатан юқори, ўрганилган йилги кўрсаткич бўйича чорвачиликдан маълум маҳсулот олинган ва улар тўғрисидаги маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

Жадвал-3

Нафас фермер хўжалигидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини товар даражаси.

Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Йиллар	
		2013	2014
Ялпи маҳсулот хажми	минг	3264	3881
Шу жумладан:	сўм		
Ўсимликдан жами	минг	880	1180
Чорвачиликдан жами	сўм	2384	2701
Шундан: а) қорамолчилик	сўм	275	276
в) қўйчиликдан	сўм	1610	1922
г) эчкичиликда	сўм	476	480
д) паррандачилик	сўм	23	23

Жадвал-4

Нафас фермер хўжалигидаги чорва туёғи.

Мол тури ва сони	2013		2014	
	Режа	Хақиқий	Режа	Хақиқий
Қорамол жами	513	513	513	515
Сигир сони	183	180	185	184
Қўй жами	1270	1300	1300	1450
Совлиқлар сони	790	790	800	800
Парранда жами	6000	5500	6159	5000
Она товуқ сони	2500	2200	2250	2250
Йилқи жами	2001	20	50	20
Биялар сони	5	5	5	5

Жадвал-5

Нафас фермер хўжалигимиздаги чорвачиликдан олинган махсулот.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013		2014	
		режа	ҳақ	режа	ҳақ
Бир бош сигирдан олинган сут миқдори	кг	1500	1100	1500	1550
Қорамолнинг суткалик семириши	г	300	301	310	320
Бир бош қўйдан олинган жун миқдори	кг	2,50	2,1	2,20	2,30
Бир бош товуқдан олинган тухум	дона	130	120	130	140
Жами олинган бузоқ	бош	140	136	148	140
Жами олинган қўзи	бош	790	790	800	800
100 бош совлиқдан олинган қўзи сони	бош	100	100	100	100
100 сигирдан олинган бузоқ сони	бош	76	76	76	76

2013-йили хўжалигимизда бир бош сигирдан олинадиган сут режага нисбатан паст бўлган, 2014-йилда бу режа ошиғи билан бажарилган. Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики ҳар 100 бош совлиқдан олинган қўзи сони бажарилган. Бошқа кўрсаткичлар бўйича режалар ошиғи билан бажарилган.

Хўжалигимизда сўнгги йилларда малум даражада қишлоқ хўжалик махсулотлари ишлаб чиқарилган ва сотилган бу тўғрисидаги маълумотларни 6-жадвалда кўришимиз мумкин.

Жадвал-6

Хўжалигимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотилиши.

Маҳсулот тури Ишлаб чиқиш	Ўлчов бирлиги	2013		2014	
		Режа	Хақиқий	Режа	Хақиқий
Ғалла жами	Тон	4300	4600	4600	4600
Полиз	тон	112	120	120	120
Сабзавот	тон	387	40	400	401
Гўшт	тон	250	245	273	257
Сут	тон	277,5	252	277,5	2852
Жун	тон	2,5	2,7	2,90	3,3
Тухум	минг дона	325	264	292,5	318
Сотиш					
Ғалла жами	тон	3500	3500	3550	3550
Полиз	тон	84	90	90	90
Сабзавот	тон	290	301	300	300
Гўшт	тон	220	215	243	237
Сут	тон	214,5	202	222,5	228,2
Жун	тон	2,5	2,7	2,9	3,3
Тухум	минг дона	300	230	260	280

2013-йилда хўжаликда маҳсулотларни ишлаб чиқариши ва сотилиши бўйича мўлжалланган режалар бажарилмаган. 2014-йил барча маҳсулотларни режаси бажарилган. Хўжаликда чорвачиликдан олинadиган маҳсулотларга сарфланган ишчи кучини, озук, ҳақ тўланиш ёки маҳсулотларни таннархини аниқлашга ёндошдик. Таннархи тўғрисидаги маълумотни 7-жадвалда келтирамиз.

Жадвал-7

Хўжаликда чорва махсулотларини таннархи.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013-йил		2014-йил	
		Режа	Хақиқий	Режа	Хақиқий
Қорамолни 1 центнер семириши	сўм	36000	39000	45000	48000
Қўй бир центнер семириши	сўм	16000	19600	23000	25000
1 центнер жун олиш	сўм	8500	12390	12000	14500
1 минг дона тухум	сўм	45000	49000	42000	44000

2014-йили чорва махсулотларини ишлаб чиқаришини таннархи 2013-йилга нисбатан анча юқоридир бунинг сабаби молларга бериладиган озуклар ва бошқа харажатларини ҳақ тўланишни ошишига боғлиқ. Таннархини ўргандан ташқари чорва махсулотлари ишлаб чиқарилиши учун сарфланган ишчи кучини ҳамда ишчиларига ойлик тўланиши ҳам ўргандик, олган маълумотларни 8-жадвдан кўриш мумкин.

Жадвал-8

Нафас фермер хўжалигида чорва махсулотларини ишлаб чиқиш учун сарфланган ишчи кучи ва ишчиларга ҳақ тўланиши.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил
Хар ишчига тўланадиган пул фонди	сўм	78500	159700
Чиқарилган махсулот	сўм	9250	12470
1 Центнер сут учун сарфланаган ишчи кучи	одам кучи	6,2	6
1 Центнер жун етказиш учун сарфланган ишчи кучи	одам кучи	18	19
1 центнер семиртириш учун сарфланган ишчи кучи	одам кучи	7	8,5

2013-йили пул тўлаш фонди ва ҳар ишчига ишлаб чиқарилган маҳсулот ошган, аммо, кўрсатилган маҳсулотлар олиш учун 2013 -2014-йилга нисбатан кам куч сарфланган. Хўжаликда чорва маҳсулотларини таннархининг ва ишчи кучини сарфланишини баландлигини асосий сабабчиларидан бири бизнинг фикримизча чорва молларининг тирик вазнлари паст ҳолатда. Гўштга топшириладиган чорва молларини тирик вазинлари ҳақидаги маълумотларни 9-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвал-9

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил
Қора молларни вазни	кг	280-300	300-320
Қўйларнинг вазни			
Совлиқлар	кг	60-70	60-70
Қўчқорлар	кг	70-80	70-80
Ахталанган қўчқорлар	кг	50-60	50-60
Ёш қўзилар	кг	40-45	40-45

Жадвалдаги маълумотлар бизнинг фикримизни яна бир бор таъкидламоқда, шунинг учун Нафасда чорвадорлар олдида бу масалани ечиш учун барча тадбирларни амалга оширмоқ лозим.

Нафасда маҳсулот етказиш рентабеллик даражасини ҳам ўргандик, буни 10-жадвалдан кўриш мумкин.

Жадвал-10

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқиш рентабеллик даражаси.

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил
Жами ялпи даромад	сўм	326400	388100
Шундан: Ўсимликчиликдан	сўм	88000	118000
Чорвачиликдан	сўм	238400	270100
Олинган соф фойда	сўм	106000	201500
Рентабеллик даражаси	%	20	22

IV.Мехнатни муҳофаза қилиш.

Чорвачилик фермасида меҳнатни муҳофаза қилишини ташкил этиш Нафас фермер хўжалигида чорвачилик фермасида меҳнат муҳофазасини ташкил бўлишини ва ундаги қўрилган чора тадбирлар амалга ошишини хўжалик раиси бошқаради. Хўжаликда раис томонидан чиқарилган буйруққа биноан меҳнат муҳофазасини юритилиши техник хавфсизлиги инженерларни зиммасига юкланади ва жавоб боради.

Мутахасис барча чора тадбирларни амалга оширишга ва уларни риоя қилишини амалга оширишга чақиради бундан бошқа ишлаб чиқариш гигиенаси ва ёнғинга қарши ишларини назорат қилиб туради.

Хўжалигимиздаги касабга уюшмаси унинг мамурияти билан меҳнат муҳофазаси тўғрисида шартнома тузилган. Бу шартномада икки томонларнинг мажбуриятлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш учун ажратилган маблағ миқдорлари қараб этилади.

2013 ва 2014-йилларда фермер хўжалигидаги ишчиларни меҳнат унумдорлиги сақлаш ва ундан унумли фойдаланиш учун мамуриятимиз томонидан ҳар йили бу маблағни миқдори қопланадиган ишларга кўра 100-200 минг сўмни ташкил этган. Лекин 2014-йилдан бошлаб бу маблағни миқдори уч баробарига кўпайган.

Човачилик фермасидаги ишчиларни бахтсиз ҳодисалардан сақланиши учун бизнинг хўжалигимизда барча ишлар амалга оширилган.

Электр шитлари чуқурлар, жарлар, қудуқлар, кўприклар атрофи тўлиқ тусилган.Бундай ишлар яна тракторларни трансмиссияси валларида ва занжирик ҳамда реминлик ишга келтирилган жойларида ҳам ташкил этилган.

Бизнинг хўжалигимизда ишчиларни ишлашини унумдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш борасида барча ишлар амалга оширилган.

Техника хавфсизлиги кабинати ташкил этилган ва техника хавфсизлиги бўйича кўчма кўргазма ва барча кўргазмали қуроллар мавжуд бўлиб ишчиларга кўрсатилади.

Мутахасислар учун техника хавфсизлиги бўйича ўқитиш курси ташкил этилган. Кўзга кўринган барча тажрибали мутахасислар марузалар ҳамда суҳбат ўтказадилар.

Кўп қўл кучини талаб этадиган ишлаб чиқариш жараёнлари механизациялаштирилган, ёнғинга қарши анжомлар билан таминланган, ишчилар махсус кийим билан таминланганлар хўжаликда ишчилар учун махсус дам олиш ва ишлаши тўғрисида режа тузилган. Ишлайдиган жойларда нормал ҳолда ҳароратни ва микроиқлим сақлаш учун кондиционерлар қўйилган молхоналарда эса тўртқич мўрилари (вытежлой труба) еки махсус винтеляторлар билан таминланган.

Мехнат муҳофазаси бўйича бажарилган ишларни таҳлили.

Хўжаликда барча ишлар ички хўжалик иш жадвали асосида олиб борилади. Бу иш жадвалидаги режалар ҳамда бошқа кўрсаткичлар хўжалик мамурияти томонидан тасдиқланган ва ишчилар унга риоя қилган ҳолда фаолият кўрсатади. Бу режада ишчиларни тўғри ва унумдорли дам олиш ҳамда ҳафсиз ишлашига жуда катта эҳтибор берилган.

